

EXPRESSION OF BEAUTY THROUGH THE CONCEPTS OF "LOYALTY" AND "COMPETITOR" IN CLASSIC POETRY

Marufova Zulfiya Nabievna

Tashkent city, Yashnabad district

204th school teacher

Phone: +998 97 7161634

Zulfiyaxon2018@gmail.com

Resume: The article examines the linguistic verbalization of the concept of "beauty" in Uzbek classical poetry, in particular, in the works of the 15th century poets. The implementation of this cognitive process through folk sayings, phraseological units and individual expressions is analyzed. The lexical-semantic, cognitive-pragmatic foundations of connections between lexical units are analyzed.

Key words: Concept, subjective assessment, beauty, jealousy, rival, lexical-semantic field, proverb, phraseological combination.

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТДА "САДОҚАТ" ВА "РАҚИБ" ТУШУНЧАЛАРИ ОРҚАЛИ ГЎЗАЛЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Маруфова Зулфия Набиевна

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани

204-мактаб ўқитувчиси

Телефон: +998 97 7161634

Zulfiyaxon2018@gmail.com

Аннотация: мақолада ўзбек мумтоз шеъриятида, хусусан, XV аср шоирлари ижодида "Гўзаллик" концептининг лисоний вербаллашуви ҳақида сўз боради. Ушбу когнитив жараённинг халқ мақоллари, турғун бирикмалар ва индивидуал иборалар воситасида воқелантирилиши таҳлилга тортилади. Лексик бирликлар ўртасидаги боғланишларнинг лексик-семантик, когнитив-прагматик асослари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: концепт, субъектив баҳо, гўзаллик, рашк, рақиб, лексик-семантик майдон, мақол, фразеологик бирикма.

<https://conferencepublication.com>July 30th, 2021

Аннотация: В статье рассматривается лингвистическая вербализация понятия «красота» в узбекской классической поэзии, в частности, в произведениях поэтов XV века. Анализируется реализация этого познавательного процесса через народные поговорки, фразеологические единицы и индивидуальные выражения. Анализируются лексико-семантические, когнитивно-прагматические основы связей между лексическими единицами.

Ключевые слова: концепт, субъективная оценка, красота, ревность, соперник, лексико-семантическое поле, пословица, фразеологическое сочетание

Шаркона гўзаллик тасаввурида Аёл сиймоси асосий ўринни эгаллайди. “Қадимги туркий тил учун гўзаллик тушунчаси, авваламбор, “аёл” концепти билан боғлиқ, ундан кейинги ўринларда “табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ туйғулари уйғотувчи хусусиятларини ифодалаши” тушунилади”¹. “Аёл” тушунчаси эса табиий равишда “муҳаббат”, “ишқ” мавзулари билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли мумтоз шеърятимизда “Гўзаллик” концептининг вербаллашувида Ёр ва Муҳаббат концептлари ва уларнинг фрейм таркиби муҳим ўрин эгаллайди.

Муҳаббат концептининг етакчи компонентлардан бири бўлган *садоқат* периферияси мумтоз адабиётда турли когнитив-прагматик воситалар билан воқеланишини учратамиз. Гўзаллик ва Ишқ тушунчаларига оил тасвирларнинг фразеологик бирикмалар ва мақоллар билан ифодалаш субъект эмотив баҳосининг когнитив-прагматик тарзда воқеланиш даражасини белгилашдан ташқари, шеърнинг завқ билан ўқилишига ҳам сабаб бўлади. Саккокий ишқ ўтида куйишини пахтанинг олов тафтида куйиши”га қиёслади:

Куйдирса не тонг ишқ ўти Саккоки вужудин,
Ночор куйар пахта бале, нор қошинда.

Шоир ўз вужудини пахтага ўхшатади. “Пахта” ва “ошиқ” лексемаларининг семантик майдонига кирувчи *мўртлик*, *эзилувчанлик*, *юмишоқлик*, *ёниш* ва *туташига мойиллик* семалари бу қиёсга асос бўлган. Куйган нарсалар-*вужуди* ва *пахта*. Куйдирувчи нарсалар-*ишқ* ва *олов*. **Ишқ ўти** мажозий маънодаги анъанавий ифода усулларидан бири. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида **нор** сўзининг биринчи маъноси-

¹ Байназаров З.М. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд-2020. Б.19

шуъла, ўт, олов тарзида изоҳланганини² эътиборга олсак, ишқ ўтида жонсиз пахта мисол куяётган ошиқ ҳолати кўз олдимизга келади. “Ночор” сўзи орқали шу ҳолатда ҳам олов ёнидан кетмаслигини ёрга бўлган садоқатидан далолат. Байтда мақсаднинг лингвопрагматик усулда воқеланишини кўрамыз.

Лутфий байтида эса Садоқатнинг ўзгача ифодасини кўрамыз. Шарқ мумтоз адабиётида Гўзаллик концептосфераси таркибига кирувчи Ишқ, Аёл каби концептларнинг перифериялари ҳисобланмиш *висол, ҳижрон, жабру жафо, садоқат, вафо, орзу, армон, интилиш, рашк* каби тушунчаларнинг лисоний тасвирини беришда турғун бирикмалар, иборалар мақол ва ҳикматлардан, шунингдек, шахсий ҳаёт тажрибадан келиб чиққан ибратли хулосалардан кенг фойдаланилган. Ёр жабридан кўнгли яраланган ва умидини узган ошиқ унинг хотираси билан яшашга кўнди, тақдирга тан берди. Маҳбуба уни ташлаб кетса-да, у ҳақидаги хотираларнинг қолиши ҳақидаги фикрини “Сув боруру, тош қолур”, яъни “Сув кетару, тош қолар” мақоли билан изоҳлайди.

Лутфий анинг жавридин кўнгли қолур, биғлама,

Хотирини сақлаким, сув боруру тош қолур.

Бугунги кунда ушбу мақолнинг “Ўсма кетар, қош қолар” варианты, шунингдек, ҳар икки вариантни биргаликда ишлатиш ҳолати ҳам учрайди.

Рақиб тимсоли барча замонларда ҳам муҳаббат мавзусидаги шеърларда асосий образлардан бири бўлиб келган. Рақиб – ошиқ учун ёрга етишишга тўсқинлик қилувчи, гўзал маҳбубани у билан тенг талашувчи салбий тимсол. “Рақиб” тимсоли қатнашган когнитив структурада “рашк”, “нафрат”, “қизғониш”, “душманлик” фреймларининг ҳам мавжуд бўлиши табиий.

Шеърятда рақибга нисбатан негатив муносабат турли усуллар билан ифодаланган. Айрим ҳолларда рақибни итга тенглаштири ва референциал тағмаъно кўринишида бериш йўли билан ҳам рашк туйғуси вербаллаштирилган. О.Е.Фролованинг таърифча, “Референция – бу номлаш билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, “матн ортидаги дунё”дир³. Шу боис шеърый матнларда ифоданинг номинатив хусусиятлари референциал тағмаъно, деб юритилади. “Референциал тағмаъно кўринишларида сўзловчи ўз ички мақсади билан боғлиқ референциал белгилар хусусида сўз юритади”⁴. Шеърый матнларда референциал тағмаъно лисоний бўлмаган объект ва вазият билан боғлиқ бўлиб, ахборот баёнида муайян объект номи тўғридан-тўғри ошқора берилмайди, балки ўхшатиш, образли тафаккур асосида номланади”⁵.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Э.Фозилов таҳрири остида. IV томлик. II жилд. Тошкент: ФАН, 1983. Б.480

³Қаранг: Носирова У.И.Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари.Фалсафа фанлари док.(PhD) дисс. Фарғона, 2021. Б.96

⁴Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013. –Б. 99.

⁵ Носирова У.И.Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. Фалсафа фанлари док.(PhD) дисс. Фарғона, 2021. Б.97

Тангрилик бўлғой рақибни мажлисингдин қавласанг,
Хайф эрур худ одамий сак бирла бўлса ошной.

Келтирилган **Саккокий** байтида “рақибни ҳузурингдан ҳайдасанг яхши иш бўларди”, деган фикр берилади. Кейинги мисрада бу фикрини “одам ит билан ошно бўлмаслик кераклиги” билан изоҳлайди. Иккинчи мисрадаги изоҳда “рақиб-ит” деган тағмаъно англашилиб турибди. Рақибнинг итга тенгланиши - ҳайвон номини англатувчи лексема орқали субъектнинг рақибга нисбатан салбий муносабатини билдириб, субъектив эмоция даражасини янада оширган. Байтда *ошиқлик, қизғониш, рашк семалари* бир майдонда туташиб, *Муҳаббат* орқали *Гўзаллик* концептини вербаллаштиришга хизмат қилган.

Рақибни итга тенглаш орқали рашк ифодалаш ҳолати **Гадоний** байтида бир оз бошқачароқ шаклда учрайди:

Эшикинга мен Гадони келмасун дер шум рақиб,
Филҳақиқат, ит эмиштек, насли одам кўрнадур.

Энди тағмаъно билан эмас, рақибни тўғридан-тўғри “ит”га ўхшатилади. “Эмиштек” *каби, мисоли* кўмакчиси ўрнида қўлланилиб, ўхшатиш воситаси бўлиб келган. “Рақиб” сўзи олдидан “шум” сифатининг қўйилиши салбий эмотив баҳони бўрттириб, “нафрат”, “рашк” маъноларини кучайтирган.

“Тасаввуфда Маъшуқа итига ошиқнинг илтифот кўрсатиши, у билан яқин бўлишга интилишдан илтифот висолга етишишдир. **ИТ** образининг рақиб тимсоли, ботиний маънода эса нафс тимсоли бўлиб келишига сабаб Оллоҳнинг висолига етишишда ҳар доим **ит – рақиб – нафс** тўсқинлик қилиб туради. Шу сабабдан нафс мажозий тарзда итга қиёс этилади⁶.”

Рақибни итга қиёслаш орқали рашк туйғусини ифодалаш Атоий байтида ҳам мақол орқали ифодаланади:

Севса агар Атоий рақибин ажаб эмас,
“Ким ийясин оғизлар, итига сўнтак солур”.

“Агар Атоий рақибини севса, ажабланма, чунки эгасини севган одам итига суяк ташлар”. Ит ва рақиб лексемалари учун умумий бўлган *“душманлик”, “тишлаш, яъни зарар етказиш”, “талашиш”, “нафс”* фреймлари бу ерда энди **рашк эмас, сийлаш, саховат** қилиш маъноларини вербаллаштирган. Бунга сабаб-“итнинг эгаси”, яъни гўзал ёр. Ошиқнинг мақсади – итини сийлаш орқали унга етишиш. Когнитив жараённинг кейинги босқичида салбий тимсолни севиш (итга суяк ташлаш) субъектга нисбатан “саховатли” сифатини пайдо қилади ва бу саховат ўша гўзалга бўлган муҳаббати туфайли эканлигини тушунамиз. Демак, ёр шу қадар гўзалки, ошиқ уни севгани учун рақибига ҳам душманлиги йўқ, чунки *ким эгасини севса, итини ҳам сийлайди*.

⁶ Мингбоева Д., Тимсоллар тилсими, Т.: —Янги аср авлоди, – 2007, Б. 85

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. Байназаров З.М. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд-2020.
2. Ҳакимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Э.Фозилов таҳрири остида. IV томлик. II жилд. Тошкент: ФАН, 1983.
4. Мингбоева Д., Тимсоллар тилсими, Т.: —Янги аср авлоди, – 2007
5. Носирова У.И.Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари.Фалсафа фанлари док.(PhD) дисс. Фарғона, 2021
6. Лутфий. Девон. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Тошкент 2012
7. Гадоий.Девон. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,1973.
<https://www.ziyouz.com/>
8. Саккокий. Танланган асарлар. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент-1958